



Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги

Наманган вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
ошириш институти

Жисмоний тарбия, санъат ва меънаат таълими кафедраси

***МАЪРУЗА МАТНЛАРИ***

(Тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан)

*(1 - қсим)*

Наманган – 2007 йил

Ушбу маъруза матнлари тасвирий санъат ва чизмачилик фани курс тингловчилари учун мўлжалланган.

Тузувчи: Б.Ўрозов - Жисмоний тарбия, санъат ва меънаат таълими кафедраси ўқитувчиси

Тақризчи: О.Дадахонов - Наманган шаҳар, 26-мактабнинг олий тоифали тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси

В. Қодиров - Тўрақўрғон тумани 24-мактаб олий тоифали тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси

М.Шокиров - Наманган шаҳри, 24-мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси. Рассомлар уюшмаси аъзоси.

Ушбу методик тавсия жисмоний тарбия, санъат ва меънаат таълими кафедрасининг 2006 йил 24 декабрдаги йигилишида мушокама қилинган ҳамда институт илмий кенгашининг 2006 йил 26 декабр даги йигилишида 7-сонли баённома билан тасдиқланган.

**Мавзу:** Графика санъати. 2 соат.

**Мақсад:** Графика санъати шақида кенгроқ ташунча бериш.

**Кутилаётган натижа:** Графика санъати тасвирий санъатнинг бир тури эканлигини тушуниш. Графика санъатини тасвирий санъатнинг бошқа турларидан фарқ қилиш.

**Кўргазмалар:** Рассомларнинг график асарларидан намуналар.

**РЕЖА:**

1. Графика санъати.
2. Графиканинг кўчириш усуллари.
3. Китоб графикаси.

Рассомлик санъатининг муҳим турларидан бири-графикадир. Графика узининг алоҳида

тасвирлаш методи, услуби, материали ва характерига эга булиб, у асосан ок-кора рангда ёки бир хилда рангда ишланади.

Графикага оддий кора каламда ишланган расмлардан тортиб, тематик композициялар, китоб безаклари, саноат графикаси-амалий графика, плакатларгача киради.

График ишларнинг барчаси узининг бажарилишига кура бир-биридан фарк килади. График ишларни калам, перо, рангли бур, пастель, рангли каламлар, сангина ва хул техника усулидаги акварель, тушь, гуаш кабиларда ишланади. Графиканинг яна бир тури гравюра, линогравюра ва бошка кучириш услубларида яратиладиган санъат асарларидан иборат булади.

Графиканинг кучириш усулида расм тасвирни коғоз ёки матога эмас, махсус литография тошига, ёғоч тахтага ёки линолиумга металл пластинкага чизилади, уни уйиб тасвир холатига келтирилади. Сунгра бу тасвирларни буюк, ранг шимиб, уни устига коғоз босиб тасвир олинади. Бундай график расмлар хохланган тиражда олинishi мумкин. График рангтасвирни энг характерли хусусияти шундаки, бу усулда яратилган санъат асарини колипга туширилган биринчи тасвир оригинал (хакикий) ижодий булмай, ундан кучирилган нусхалар оригинал хисобланади.

Тасвирлар тошга уйиб нусха олинса, уни литография, ёғочга уйиб олинса уни-кислография, линолиумга уйиб олинса линогравюра, металл пластинкага уйиб олинса уни-офорт асарлари деб аталади.

Гравюра-ёғоч, металл ва бошка материалларга уйиб, ундан бадий асар яратишдир. Литография эса печать килиш усулидир. Бунда расмни тош тахтага ёки пластинканинг текис юзасига ёруглик билан махсус модда ёрдамида тасвир туширишдан иборат булади.

Графиканинг энг куп таркалган турларидан бири китоб графикасидир. Бунга мукова тасвири, хар бобни ёки текстни бошланишидаги тасвир (заставка) текстни биринчи харфи беаги (инициал) асар текстини тугашидаги тасвир (концовка) текст мазмунини тушунишга ёрдам берувчи тасвир (иллюстрация) кабилардан иборат булади.

Китоб графикаси асосан асарни мазмуни ва гоёсини очиб, тушунтириб беришга хизмат килади. Графикадан газета ва журналларни беашда хам кенг фойдаланилади. Графиканинг яна бир тури-плакат санъатидир. Графиканинг бу турига плакат, реклама, афиша, киноафиша ва бошқалар киради. Унинг сиёсий рухтаги плакат тури алохида урин эгаллайди. Сиёсий плакат халк оммага, томошабинга давр ва жамиятнинг энг зарур, энг илгор, пишиб-етилган сиёсий масалаларини тартиб килади. У кишиларни диққат-эътиборини узига торта оладиган, ундан рухланиши, ташвишланиши, илхомланиши ва унга жавоб беришга ишлатиладиган даражада ифодаланади. 1922 йилда С.Моор томонидан ишланган "Ёрдам бер" асари ёки И.Пророковнинг "Бу такрорланмаслиги керак" каби асарлари ана шундай сиёсий мавзулардаги энг кучли график плакатлардандир.

Бу икки асар бутун дунё халки меҳнаткаш ва тинчликсевар кучларига қаратилган булиб, бу асарнинг уз мавзуси ва композицияси билан хар қандай томошабинни хаяжонга солади.

Графика санъатини ривожлантириш. График режаларнинг дастгоҳли асарларда узига хос йуналишни қарор топтиришга купрок эътибор берилишлари кейинги 10 йил ичида Ўзбекистон графика санъатининг энг асосий хусусиятларидан деса муболага булмайди.

Кейинги йилларда дастгоҳли графикадаги жанр йуналиши ёки расмларнинг бир қатор асарлари билан бойиди. Республика ва чет эл қурғазмаларида юкори баҳоланган график асарлар фикримизнинг далилидир.

Мустакиллик йиллари давомида кургазмаларда намойиш этилган асарлар мавзусини умумлаштириб тахлил киладиган булсак, купчилик рассомларнинг борликни чукуррок идрок этиши хаёт ривожининг динамикаси, инсоннинг жамиятдаги урни ва ахамияти, унинг маънавий-бадий оламини англашга интилганликларининг гувохи буламиз. Рассомнинг булажак кахрамонлари хаёти билан яшаши уз замондошларини чукур урганишга, рухий оламини хис этишга имкон беради.

Ишлаб чикариш илгорлари замондошларимиз билан учрашув, ёшлар гайрати ва ташаббусидан завкланиш рассомларимизга бугунги кунимиз кахрамонларини яхширок хис этишга, вокелигимизни хакконий тасвирловчи чинакам бадий асарлар яратиш учун бой материал туплашга ёрдам бермокда. Буларнинг хаммаси турли бадий услублар ва жанр мавзусини танлаш йули билан эришилади. Чунончи, айрим рассомлар республикамизнинг тарихий утмишига мурожаат килиб график асарлар устида ишламоқдалар.

Узбекистон графикасининг бугунги куни хакида ривожланиш унинг йуллари ва муаммолари хакида гапирар эканмиз, республикада китоб графика санъатининг ривожланиши хусусида тухталиб, утиш керак булади. Шуни таъкидлаш керакки, графика санъатининг бу турида кейинги йилларда катта ютуклари кулга киритди, китоб безовчи рассомлар сафига киска вақт ичида катор ёш иктидорли график рассомлар келиб кушилади.

Шунингдек республикада китоб нашр этилиши маданиятни усиши китоб конструктори-рассом обр-эътиборининг ошиши хам хилма-хил фактларни бадий безак ва полиграфия ишлаб чикариши билан боглик булган комплекс воситаларни уз ичига олади. Китоб санъати бирма-бир боглик булган икки жихатни эстетик жихатни, яъни санъат воситалари билан китоб мазмунини ифода этишни функционал жихатни тузилишини укиш учун мулжалланган предмет сифатида китоб конструкциясини ифода этади. Китоб дуконларида чиройли безалган китоблар купайиб бормокда, агар чукуррок тахлил киладиган булсак, китобни безашдаги бадий услублар жихатидан бошка давлатларда нашр килинган китоблардан фарк килмайди. Бизнингча Узбекистон китоб санъати безашнинг бундан кейинги ривожу асосан тасвирий, образли типни ривожлантириш йулидан бориш максадга мувофик булади.

#### Мавзу: Тасвирий санъатда натюрморт жанри

Натюрморт ишлаш укувчининг бадий ижодкорлигини оширишда мухим роль уйнайди. Натюрморт ишлаш айникса, тасвирий санъатнинг илмий негизини ташкил этадиган перспектива, рангшунослик, ёруг-сояларни урганиш учун кенг имкониятлар яратади.

Оддий геометрик сиртдан ташкил топган натюрмортдан бошлаб амалий вазифаларни услубий изчиллик билан мураккаблаштириб бориш, шакли, тузилиши ва материали хар хил булган бир катор предметлардан иборат натюрмортлар куйиб, уларнинг хакконий тасвирини яратиш рассомлик сирларини урганишда ишончли ва синалган йулдир.

Натюрморт, портрет, манзара, тарихий ва маиший жанрлар каби тасвирий санъатнинг узига хос мустакил жанридир. "Натюрморт" (nature morte) аслида фрацузча суз булиб, "жонсиз табиат" деган маънони англатади.

Натюрмортда купинча турмушда зарур булган турли буюмлар, мехнат куроллари, сабзавот ва мевалар, гуллар, парранда ва майда хайвонлар тасвирланади, яъни натюрморт санъатида инсоннинг маиший хаёти акс эттирилади.

Натюрморт купинча чукур фалсафий маънога эга булади.

Натюрмортлар намуналари азалдан маълумки, уларни кадимги Миср давлатида деворларга ишланган суратларда, кадимги Юнонистонда ишланган мозаикаларда учрашиш мумкин. Хитой санъатида эса мустакил жанр шаклида ривожланганлиги кузатилади. Европада натюрморт XIV асрнинг охирига келиб мустакил жанр сифатида шаклланди. XV асрда Франция тасвирий санъатида кенг тарқалди. Бундай суратларни "Сокин хаёт", "Буюмлар хаёти", "Турмуш ранг тасвири" каби номлар билан аташди.

Натюрморт мустакил жанр булиши билан бирга мавзули суратлардаги асарларнинг мазмунини очиб беришда кумаклашувчи, уни тулдирувчи восита булиб хизмат қилади. Купинча оддий буюмлар тилга кириб, сурат мазмунини китоб саҳифаси каби осонгина уқилишига воқеа қачон қаерда содир булаётганини билиб олишга ёрдам беради.

Куйилган натюрмортни асосий гоёсини сурат текислигида тасвирлаб бериш учун яъни натура билан тасвир уртасида тула ухшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода воситалари булган композиция, перспектива, ёруғ-соя ва рангшунослик назарияларини пухта билиш ва уларни амалда қулай олиш талаб қилинади. Алоҳида нарсаларни аслига қараб, тасвирлаш вақтида билим ва қуникмалар ҳосил булади. Лекин натюрморт ишлашда вазифалар анча мураккаблашади. Битта нарсани эмас, бир неча нарсани узаро боғланишда қисмларни бир-бирига мос булган яхлит нарса қилиб тасвирлаб қурсатишдан иборат булади. Шунинг учун амалий ишни кетма-кет босқичлар билан олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Натюрмортнинг қаламда тасвирлаш жараёни қуйидаги босқичларни уз ичига олади;

1. Куйилган натюрмортни синчиклаб, таҳлил қилиш;
2. Сурат текислигида тасвирни жойлаштириш;
3. Хар бир предметни улчамини перспектива қоидалари асосида такқослаб белгилаш;
4. Нрсаларнинг ҳажмдорлигини ёруғ ва соя воситаларида ишлаб чиқиш. Тасвирдаги ёруғ-соя, рефлекслар нисбатини топиб, уларни натура билан муносабатини ифодалаш;
5. Расмни умумлаштириш, ортиқча жойларни йукотиб, тон нисбатларини текшириш, композиция марказини бурттириб қурсатиш.

#### КАЛАМТАСВИР ИШИГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.

Қалам билан ишланган натюрмортга қуйидаги талаблар қуйилади;

- тасвир қогоз юзасига тугри жойлаштирилганлиги;
- тасвирланган буюмларнинг узаро нисбатлари тугри олинганлиги;
- чизмалар тасвир тугри топилганлиги;
- хар бир буюмнинг умумий конструктив тузилиши тугри тасвирланганлиги;
- буюмларнинг натурадагидек очлик-туқлик нисбатлари тугри ифода этилганлиги;
- тасвирдаги соя ва ёруғлик нисбатларининг оч-туқлиги тугри ифода этилганлиги;
- тасвирдаги соя ва ёруғлик нисбатлари ёруғлик қучига мос тасвир этилганлиги;
- натюрмортдаги буюмларнинг локал ранг туқлиги тугри топилганлиги;

- натюрмортдаги хар бир буюмнинг материалига мос штрихлар йуналишини танланганлиги;
  - хар бир буюмнинг хажми ифода этилганлиги;
  - натурага куйилган буюмлар уртасида масофа эркин ифодаланганлиги;
  - натюрмортдаги энг ёруг ва энг тук жой белгиланганлиги;
  - умумий яхлитлик топилганлиги;
  - соя ёруг акс шуъла, ярим соя, блик ва тушувчи сояни мохирона тасвирланганлиги;
  - ички кисми тулик ва буш булган буюмларни фаркли тасвирланганлиги;
  - барча буюмларнинг уз предмет текислигига тугри жойлаштирилганлиги;
  - айланасимон буюмларни умумий симметрик курилишини таъминланганлиги;
- Натюрмортни умумий холда тахлил этишда, аввало куйилган натюрморт, сунг тасвир бахоланади.

### **ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.**

- |                |   |
|----------------|---|
| 1. Литография  | - Тасвирларни тошга ўйиб нусха олиш.      |
| 2. Кислография | - Тасвирларни ёғочга ўйиб нусха олиш.     |
| 3. Линогравюра | - Тасвирларни ленолиумга ўйиб нусха олиш. |

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хасанов Р. Нарсанинг узига караб расм чизиш. Т «Укитувчи» 1968 йил.
2. Орипов. Б Тасвирий санъат асослари. Наманган 1994 йил.
3. Абдуллаев Ў. "Тасвирий санъат технологияси ва нусха кучириш фанидан маъруза матнлари" Наманган 2001 йил.
4. Республика алмий – амалий конференцияси маърузалар тўплами. Тасвирий санъат XXI асрда, муаммолар, ечимлар.

### **ТЕСТ САВОЛЛАРИ.**

1. Графиканинг қайси турида «Заставка» «Иницелал», «Концовка», «иллюстрация» каби иборалардан иборат?  
 А) Литография. Б) Линогравюра. В) Офорт асарлари.  
 Г) Кўчириш усулларида. Д) Китоб графикаси.
2. «Ёрдам бер» асари қайси мавзудаги ва кимнинг асари?  
 А) Сиёсий мавзуда, И.Пророковнинг асари.  
 Б) Ижтимоий мавзуда. С. Моор асари.  
 В) Сиёсий мавзуда. С.Моор асари.  
 Г) Иқтисодий мавзуда. И.Пророков асари.  
 Д) Ижтимоий мавзуда. И.Пророков асари.

**Мавзу:** Рангтасвирчи ва амалий санъат рассомлари. 2 соат.

**Мақсад:** Тингловчиларга рангтасвирчи ва амалий санъат рассомлари тўғрисида билимга эга бўлиш.

**Кутилаётган натижа:** Рангтасвирчи ва амалий санъат рассомларини фарқлай олиш ва улар тўғрисида билимга эга бўлиш.

**Кургазмали қуроллар:** Рангтасвирчи ва амалий санъат рассом-ларининг асарларидан намуналар

**РЕЖА:**

1. Рангтасвирчи рассомлар.
2. Амалий санъат усталари.

Маълумки, инсониятни такомиллашувининг асосий шартини меънат бўлиб, у ўз ўрнида гўзаллаик, чиройлилиқ, ёқимлилиқ ва ранг-баранг турфа оламнинг моддий ноз-неъматларини яратди, маънавий дунёсини бунёд этади.

Бугунги кунда шар биримизни шилма-шил, ранг-баранг, гўзал, чиройли буюмлар олами, санъат дурдоналари ўраб олган. Биз шар куни гўзал табиатни, машиналарни, биноларни, турлитуман кийим-бошларни, турли шил рўзгор буюмларини, меънат қуролларини, ишлаб чиқариш воситаларини, турли мавзу ва характердаги санъат асарларини кўрамиз. Улар бир-биридан чиройли, нафосатли ва ёқимли бўладилар. Уларнинг бачасини ўз меънатини санъат даражасигача кўтара олган касб эгалари бўлмиш – рассомлар яратдилар.

Рассомлар энг гўзал, чиройли, одамларга ёқадиган шаклларни, рангларни, нарсаларни, воқеаларни кўрадилар, уларни ёқимсиз шунук нарсалардан ажратиб оладилар ва ўз асарларида тасвирлайдилар. Ёки улардан шам гўзал ва чиройлисини яратиб берадилар. Шу боисдан айтиш мумкинки, қайси бир шалқни рассомлари кўп бўлса, улар ижодкор бўлсалар, бу халқ энг гўзал, энг чиройли ва энг бой яшайдилар, юксак маънавиятга эга бўладилар. Чунки, рассомлар ўз шалқини юксак маданиятли, илм-маърифатли, кен маънавиятли бўлишга, чиройли кийинишга, чиройли меънат қилишга ва чиройли яшашга чорлай оладиг шис-туйғулар йўлида ижод қиладилар.

Рассомлар одамларнинг теварак отрофидаги нарса ва воқеаларни ғоят қизиқарли, мазмунли ва ёқимли холатда, полотноларда, очиқ ерларда, маълум бир текистликда ранг, бўёқ, гипс, ёғоч, лой, цемент, тош, мрамар, мис, бронза, кумуш, олтин каби материалларда тасвирлаб берадилар.

Рассомлар нарса воқеаларни кўп кузатадилар, улардаги шарактерли шакл, элемент, тузилиш, ранг турларини шаммадан кўра кўпроқ кўрадилар. Шу боисдан шам улар кенг мушоадаликўп нарсани кўра оладиган, сезувчан, алошида тафаккур қила оладиган бўладилар. Шу боисдан шам рассомларни шамма шам тушуна олмайди.

Чунки уларни кузатиши, идроки, мушоадаши, тафаккури ва тасавври мутлоқ бошқача дунёга эга бўлади.

Рассомларни яратган асарларига кўра итжодий турларига ва санъткорлик сошаларга ажратилади.

Ранг ва бўёқлар воситасида асарлар яратадиган рассомларни «Рангтасвирчи» рассомлар, нарса ва буюмларни безовчи рассаомларни «Амалий санъат усталари», янгидан-янги нарса ва буюмларни яратадиган рассомларни «Дизайнерлар», хайкалларни ишловчи рассомлар «Хайкал-тарошлар», биноларни жихозловчи ва безатувчи рассомларни «Меъмор рассомлар» деб юритилади.

Вилоятимизда шам тасвирий санъатнинг барча турлари бўйича ижод қилиб келаётган етук санъаткорлар борки, улар бугунги кунимизни, халқимизнинг шаёти, турмуши, меънатини, ўлкамиз табиатини, тарихини ва маданиятини, санъатнинг турли соҳаларида тасвирлаб келмоқдалар.

Биз мазкур мўжазгина рисолада баракали ижод қилиб келаётган вилоятимизнинг етук рассомлари шақида маълумот бериб ўтмоқчимиз. Биз улар шақида қисқа-қисқа маълумот бериш билан бирга, уларнинг баракали ижодига оллошдан янада юксак омадлар, ижодий илшом ва зафарлар тилаб қоламиз.

Вилоятимизда бундай рисола бундай биринчи бор тайёрлана-ётганлиги учун шам унда учрайдиган айрим камчиликлар учун китобшонларимиздан изн сўраб, муаллифлик каломини бажо айлаймиз.

#### ***Наманган санъати ва маданияти шақида қисқача маълумот.***

Наманган вилояти Мамлакатимизнинг кўп асрлик ва минг йилликлар тарихига эга бўлган ўлкалардан биридир. Чунки, бу ўлкада кўплаб қадимий аждодларимиз яшаган манзилгошлар бўлиб, улар жуда қадимий мозийдан ёки эрамиздан аввалги минг йилликлардан дарак беради. Шу боисдан бу ўлка тарихини ўрганиш кўплаб археолог-тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган.

Наманган вилоятини археологик жишадан ўрганиш XXI-асрнинг охирида Н.Веселовский томонидан Ахсикент харобаларини ўрганиш билан бошланади. Сўнгра Н.Шербина томонидан Косон археологияси устида иш олиб борилади. 1930-35 йилларда Норин ва Қорадарё оралиғидаги сўнги бронза ва темир даврига оид Эйлатон шаҳри бўйича тадқиқотни А.Латинин ташкил этган. 40-йилларда Фарғона ва Шимолий Фарғона каналларини қурилиши даврида М.Массон, Я.Уломов, Т.Обулдиев, В.Жуковлар бошчилигида Наманганнинг қадимий маданияти ва санъати бўйича катта тадқиқот ва кузатиш ишлари утказилди. 1946 йилда А. Бернштам бошчилигида катта гуруҳ тадқиқотчи Косон шаҳрининг қадимий манзилгошларини ўрганиб чиқадилар. Шу йилларда Чуст, Поп, Ахсикент ва вилоятнинг кўплаб қишлоқларининг энг қадимий санъати ва маданиятига оид ашёвий далиллар топилиб, ўлкамизда эрадан аввалги минг йилликларда шам ўртоқлашган қабилалар, халқлар, давлатлар бўлганлиги ва улрнинг санъати ва маданияти анча юксак эканлиги шақида илмий хулосалар берилди.

Наманган вилояти шақидаги ёзма маълумотлар шам сўнги йилларда кўплаб топилмоқда. Эрадан аввалги -йилда ўлкамизга Хитойдан элчи бўлиб келган Чжон Цяннинг берган маълумотигша кўра, «Қадимий – Давон давлатида (ҳозирги Фарғона водийси вилоятларининг ерлари шу давлатга қараган (Б.О)) 300 сингдан ортиқ аҳолиси бўлган, уни 70 дан ортиқ катта кичик шаҳарлари ва 60 минг лашкари бўлганлиги ва бу ерликлар чорвачилик, дещқончилик, боғдорчилик билан шуғулланганлар».

Шунингдек эрамизнинг 893-йили номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Олам чегаралари» номли асарнинг 25-26 бобларида ўлкамиз шаҳарлари шақида маълумрт берилади. XIII-асрда зилган Мушаммад Нажибнинг «Жашоннома», Шох Шаким Шолисийнинг «Сафет





В) Қадимги дунё санъати даврида.

Г) XVII-XVIII-асрларда.

Д) XVIII-аср охири ва XIX аср бошларида.

**Мавзу:** Мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик синф хонасини ташкил этиш ва уни жихозлаш.

**Мақсад:** Мактабда тасвирий санъат ва чизмачилик синф хонасини ташкил этиш талаблари тўғрисида тушунча бериш.

**Кутилаётган натижа:** Фан синф хонаси ташкил этилганда қандай натижаларга эришиш мумкинлиги тўғрисида билимга эга бўлиш.

**Кўргазмали қуроллар:** Жихозланган хоналарни тасвирловчи фото-суръатлар ва турли шил лойищалар тасвирланган плакатлар.

**Режа:**

1. Тасвирий санъат ва чизмачилик хонасини ташкил этиш.
2. Тасвирий санъат ва чизмачилик хонасини иш фаолияти.

### *Адабиётлар.*

1. Тасвирий санъат. Наманган 1998 й
2. Я.А.Каменский. Буюк дидактика. Тошкент. 1975 й
3. Р.Щасанов. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. Тошкент. 1986 й
4. Б.Орипов. Тасвирий санъат кабинети ва дарс. «Ўқитувчилар газетаси» Тошкент. 1972 й.

Мактабда тасвирий санъат ўқув хонасини ташкил этиш, мактаб маъмурияти билан келишилган шолда дидактик ва услубий талабларига жавоб бера оладиган хона танлашдан бошланади.

Мактаб биноси кўп қаватли бўлса, юқори қаватлардан ёруғ деразалардан қуёш нури тушиб туриши керак. Хона кенглиги 50 кв метрдан кам бўлмаган лаборатория хонасига шам эга бўлган бўлиши керак.

Хона қанчалик ёруғ бўлмасин унда сунъий ёритиш икониятлари шам мавжуд бўлиши лозим. Хонада ўқув қуроллари, дидактик буюмлар, ўқувчилар ишидан намуналар сақланадиган жойлар, стеллажлар, шкафлар қўйилади. Хонани иш фаолиятини асосан 45 минутли дарс белгилайди, чунки кабинет тасвирий санъат дарсларини методик ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этиб, унинг са марадорлигига эришишнинг туб моҳиятини белгилайди.

Шу боисдан айтиш мумкинки, кабинет ташкил этилмаган мактабда ўтказилган шар қандай дарс асло талабга жавоб бермайди, чунки тасвирий санъат дарслари бир дарс машғулот учун; росмана чизиш учун ёритгич (рефлектор), тоза ва ифлосланган сувлар учун челақлар зарурким, уларни шар биридан 3-4 тадан зарур бўлади. Бундан ташқари ўқувчилар расмни оддий парталарда эмас, махсус расм ишлайдиган мольберт столларда чизадилар.

Шунингдек, тасвирий санъат дарсини дидактик ва методик талабига кўра дарслар бошқа ўқув предметлари билан боғланиши лозим. Шунга кўра биология, география, тарих каби ўқув предметларининг кўргазма ва дидактик материалдан фойдаланиш системаси шар бир дарсга тадбиқ этилиши зарур.

Ўқитувчи кабинетда ўтказадиган дарсга зарур нарсаларни бир кун аввал тайёрлаб қўяди. Дарсда зарур бўладиган натура таглик устига қўйилиб, усти ёпиб қўйилади. Кўргазмалар эса синф доскасига осилиб, уни шам юзаси беркитиб қўйилади. Дарсда ўқитувчи ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини кузатиш билан дарсни бошлайди. Ўқитувчи ўқувчиларни уй вазифасини

текшириб уларни башолайди. Сўнгра янги дарс мавзусини синф доскага ёзиб янги дарсда бажариладиган вазифаларни тушунтириб, янги дарс мавзуи баён этилади.

Сўнгра навбатчилар иштирокида хонани тартибга келтириб кейинги машғулотга тайёрланади.

Тасвирий санъат кабинетини ташкил этилиши билан бу фан бўйича ташкил этиладиган тўғараклар, экскурсиялар, учрашувлар, бадий санъат кечалари, кўргазма, конкурс, мушоира, конференция, жамоа бўлиб кинофильм, телекўрсатувларни ташкил этилади.

Тасвирий санъат хонаси учун кўргазма дидактик материаллар рўйхати.

Гипсли ишланмалар.

Куб-4 дона, шар-4 дона, уч қиррали призма-4 дона, тўрт қиррали призма-4 дона, олти саккиз қиррали призма-4 дона, тўрт қиррали пирамида-4 дона, олти қиррали пирамида-4 дона, цилиндр-4 дона, конус-4 дона, кичик конус-4 дона, беш қиррали юлдуз орнаменти- 4 дона, линия орнаменти-4 дона, олма шохчаси-4 дона, узум шохчаси-4 дона, лола шохчаси-4 дона, бир бандли юнон вазаси-4 дона, икки бандли юнон вазаси-4 дона, тухум шакли- 4дона, қўл-4 дона, оёқ-4 дона, кулоқ-4 дона, кўз-4 дона, бурун-4 дона, оғиз-4 доан шер никоби-2 дона, одам никоби-2 дона, раққоса барельефи-2 дона

Намуна учун танланадиган буюмлар нарсалар.

Хўжалик ва рўзғор буюмлари.

Тарелка, кастрюлка, чойнак. Пиёла, коса, стакан, кофейник, қошиқ, чўмич, пичоқ, дазмол, соат, чемодан, банкалар, хумчалар.

Мещнат қуроллари:

Болға, болта, арра, теша, ранда, ўроқ, дасткалла, ток қайчи.

Моделлари, ўйинчоқлар:

Уй модели, қорбобо модели, арча модели, автомобиль, самолёт, танк, трактор, қурилиш крани, ўзбек араваси модели кабилар.

Мактаб ўқув қуроллари:

Футбол тўпи, бокс қўлқопи, кубок намунаси, глобус, портфель, сиёшдон.

Мулижлар:

қанд лавлагиси, сабзи, пиёз, олма, узум, ўрик, нок, карам, қовун, бодринг, товук, олақарға, каптар, шакка, ўрдак, ғоз, лайлак, қалдирғоч, зогча, бойўғли.

Кинофильмлар:

Натурадан расм ишлаш. Портрет, манзара, натюрморт, анализестик жанр, санъат тарихи. Шайкалтарошлик. Айрим предметларни ўзига қараб расм ишлаш.

Кинофрагментлар:

Қадимги Миср санъати. Қадимги Миср меъморчилиги. Қадимги юнон санъати. Ўрта Осиё меъморчилиги.

Репин рассом ва педагог. Юнон кўзаларидаги рангтасвир.

Диафильмлар:

Рассом ва педагог. Шайкалтарошлик. Ўзбек амалий санъати. Натюрморт. Графика. Композиция. Рангтасвир. Гравюра нима? Портрет. Манзара.

Тасвирий санъат бўйича синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни иш режасига тахминан қуйидаги вазифалар киради:

1. мактаб шароитига қараб «рассомчилик графикаси», «санъат тарихи», «амалий санъат», «наққошлик», «ёғоч ўймакорлиги» каби номдаги тўғраклардан бирини ташкил этиш ва уни иш фаолиятини йўлга қўйиш.
2. Санъат тарихи ёки санъат назарияси ёки қаламтасвир, рангтасвир соҳаларидан бири бўйича факультатив машғулотларни ташкил этиш.
3. Табиатга, санъат музейларига, кўргазма залларига, рассомларнинг иш хоналарига, замонавий санъат ва меъморчилик обидаларига экскурсиялар уюштириш.

Саволлар.

1. Тасвирий санъат хонасида қандай кўргазмалар қуроллар бўлиши керак?

2. Тасвирий санъат хонасининг иш фаолияти нимадан иборат?
3. Гипсли ишланмаларга нималар киради?
4. Тасвирий санъат бўйича синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларни иш режаси қандай тартибда бўлади?

Таянч тушунчалар:

Графика- қора қалам ёки қора бўёқда ишланадиган тасвир асар.

Спектр- бўёқ хиллари- рангларни хусусиятлари бўйича бўлиниши ёруғлик нурлари махсус призмада ўтказилса, экранда спектр ранглари шосил бўлади, улар қизил сарик ва бошқалар.

Рангтасвир- турли хил бўёқлар ёрдамида ишланадиган сурат асарлар.

**Мавзу:** Шайкалтарошлик санъати.

**Мақсад:** Шайкалтарошлик санъати тўғрисида маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Наманган шайкалтарошлик санъати тўғрисида билимга эга бўлиш.

**Кўргазмалар қуроллар:** Шайкалтарош рассомларнинг асарларини тасвирловчи фотолар, плакатлар.

**Режа:**

1. Шайкалтарошлик-тасвирий санъатнинг алоҳида тури ва энг қадимий соҳаси.
2. Монументал шайкаллар.
3. Дастгоҳли шайкаллар.
4. Бадиий безакли шайкаллар.
5. Шайкалтарошлик санъати тарихи.
6. Наманганда шайкалтарошлик санъати, шаклланиши ва ривожланиши.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан шалқимиз олдида каттагина вазифалар қўйилдиким, уларни меҳнатсевар Ўзбекистон шалқи бирин-кетин амалга ошириб келмоқда.

Айниқса санъат ва маданиятда мамлакатимизнинг шашар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб, шалқимизнинг маданий шашети ғоят кучли тараққиёт йўлига кириб, ўзининг миллий санъати маданиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш истиқболларни белгилаб олди. Тарихдан маълумки, ўлкамизга ислом динини кириб келиши билан тасвирий санъатимизни айрим тур ва жанрларини таъқиқлаб қўйди. Айниқса шайкалтарошлик санъати билан шеч ким шуғулланмай қўйди. Шу боисдан VII-XIX асрлар оралиғида Ўзбекистон шайкалтарошлиги бирон жанри бўйича асарлар яратилмади. Мустақиллик йилларини бошланиши айниқса, Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этилиши тасвирий санъатимизни шу билан бир қаторда шайкалтарошлик санъати шам тараққий этишга катта имконият яратди. Ўзбекистон миллий шайкалтарошлиги санъатининг асосчиларидан бири бўлган М.Мусаев, А.Бойматов, Ж.Қуттимуротов, И.Жаббаров каби ўнлаб шайкалтарошлар ўзбек миллий шайкалтарошлигини янгидан-янги асарлар билан бойитдилар.

Сўнги йилларда Наманганда шам шайкалтарошлик санъати ижодкорлари кўрина бошланди. Наманганда шайкалтарошлик асарларини барпо этаётган Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмаси аъзолари М.Рахмонбердиев, Н.Орзимов, Н.Юсуфжанов, М.Шоҳадатов каби рассомлар ўз ижодларини такомиллаштириб, Наманган шайкалтарошлик мактабини яратишга астойдил киришдилар.

Мустақиллигимиз йилларида Наманган шашрида қад кўтарган Боборахим Машраб, Зашириддин Мушаммад Бобур, Ватан уруши қашрамонлари ёдгорликлари монументи ўзбек фани санъати ва маданияти асосчилари бўлмиш Абу Райхон Беруний, Фаробий, Фароғий,

Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Бобур, Машрабларнинг Бадиий-графика факультети биноси фасадидаги рельеф шайкаллари Наманган шайкалтарошлик мактабини шаклланишидан далолат бериб турибди.

Маълумки, шайкал тасвирий санъат асарлари қаторига кириб, у воқеаликни уч ўлчовда ифода этилишидир. Шайкал нафис санъат асарларидан ўзининг кўриниши бўйича фарқ қилиб, уни айланиб кўрилади. Шайкалтарошлик тасвирий санъатнинг энг қадимий тасирчан, кўринарли ва оммалашган турларидан биридир. Шайкаллар ўз вазифаси мазмуни ва мошьятга кўра монументал дастгошчи, безакли турларга бўлинади. Монументал шайкаллар катта шажмда ишлатилган бўлиб, улар очик майдонларда, кўчаларнинг бошланишига ёки чоррахаларга, очик майдонларга, кўп биноларни олдига қўйилади. Монументал шайкаллар доимий ёдгорлик мемориал иншоат сифатида тарихий шахслар. Монументал шайкалларни безакли турлари шам бўлиб, уларни биноларни фасадига, хиёбонларга, йўлакларга, жамоат жойларига қўйилади.

Дастгошчи шайкаллар – махсус шайкалтарошлик дастгошида ишлаб уларни музей, кўргазма залларига, биноларни интерерларига қўйилади, уларнинг шажми натура хажмидан катта ёки кичикроқ бўлиши мумкин. Чунки улар яқин масофадан кўрилади. Бадиий безакли шайкаллар- кичикроқ шажмда ишланиб, улар биноларни ичига, иш столларига ишхона, дарсхона ва оила хонадонлари учун ишланади. Бундай шайкаллар мазмун ва мошьятга кўра бадиий ва безакли бўлиб, натурадан фарқли шолатда бадиийлаштирилган, чиройли ва нафосатли қилиб ишланди. Шайкалларнинг ранги асосан материал рангда олинади. Шайкалларни шайкалтарошлар рассомлар яратади. Шайкалтарош рассомлар шакл, тузилиш пластинкани яхши кўринадиган ранг мошьятини яхши тушунадиган ва қаламтасвири фоят кучли аъло даражада биладиган бўлишлари керак. Шайкалтарош каркасни лой ёки пластилин (ёки мум) қуйиб шаклини ясай бошлайди. Шакл аста ўсиб бораверади. Ортикча ўсиб кетган ўринлари стекланади, қирқиб олиниб текислаб борилади. Бундай шайкаллар пластик шайкаллар деб шам юритилади. Иккинчи ўйиб-қирқиб ишлаш услубида эса яратиладиган шайкал шажмида материал осиб, уни тайёр шайкал шосиб бўлган қадар махсус кесувчи ва асбоблар воситасида боради.

Шайкалтарошлик санъати тарихи- жуда қадимдан бошланади. Одам зоти шаклланиб шали ёзиш ва чизишни ўрганмасданок, улар лой, ёғоч, шайвонларнинг шох ва суякларидан турли нарсалар ясаганлигини бизнинг археологик олимларимиз аллақачон асослаб берганлар.

Қадимги Юнон ва Римда шайкалтарошлик фоят юксак даражада ривож топди. Қадимги юнонларда гўзаллик маъбудаси бўлмиш Афродиталар яратилади. Бу мамлакатда Леохар, Пранситель, Александр каби жашон шайкалтарошлик санъатининг буюк дашқолари ижод қилдилар. Қадимги Римда эса тошларга ато этилади. Жашон шайкалтарошлик санъати ўзининг бутун тарихий тараққиёти жараёнда тасвирий санъатнинг энг илғор энг фояли самарали ва энг сермахсул сошаси бўлиб келди. Шайкалтарошлик санъати ўзининг юксак мазмун ва мошьяти билан кишилик жамиятларини юксак тарғиботчиси, илғор идеология курашчиси бўлган шолда даврлар тарихини яратишда энг мушим восита бўлиб келди.

Ўзбекистонда шайкалтарошлик санъати тарихи.

Маълумки, Ўрта Осиё тасвирий санъти жуда қадимий бўлиб, у эрамиздан аввалги минг йилликлардан бошланади. Буни Зараутсой, Батикчашма, Сариз, Сармишсой, Хуртакалсой каби манзилгошларидан топилган қояқош расмлари асослаб беради. Шу асосда Ўзбекистон шайкалтарошлиги шам анча мозийдан ривож топганлиги асосланади. Эрамиздан аввалги IV-VI асрларга оид Амударё бойлиги топилмалари орасида олтиндан ясалган шайкалчалар тангалар, мушрлар шам мавжуд бўлиб, Ўрта Осиёликлар томонидан ясалгани шақида маълумот берди. Улардан бири «Жангчи сак» тасвиридир. Ўзбекистонда XX аср бошларидагина шайкалтарошликни рельеф туригина аста-секин кўрина бошлади. Уларни шам Европали руслар томонидан ишлана бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмидагина рус шайкалтарошлари томонидан А.Навоий, Улуғбек, Жамбур, Шамза каби ўзбек намоёндаларини шайкаллари яратила бошланди. Шунингдек А.Щидоятов, М.Убайдуллаев, О.Йўлдошева, З.Мугалова, Й.Охунбобоев каби таникли мешнат қашрамонларининг шайкаллари ишланди. 60-йиллардан

бошлабгина, М.Мусаев, Д.Рўзибоев, А.Тоширов, К.Салошиддинов, А.Ашмедов, А.Бойматов каби ўнлаб истеъдодли ўзбек шайкалтарошлари ижодли санъатга кириб кела бошлади. Улар халқимизнинг ўтмиши, бугунги куни, турмуши, меънат фаолиятини ифода этдилар.

### **Таянч иборалар.**

Монументал шайкаллар - катта шажмда ишланган шайкаллар.

Дастгошли шайкаллар - махсус шайкалтарошлик дастгошида ишланган шайкаллар.

Бадиий безакли шайкаллар - кичик шажмда ишланган шайкаллар.

Рельефли шайкаллар – текис юзага ишланган шайкаллар.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1.А.Асқаров. Ўзбекистон тарихи.1994й

2.И.Ибрат. Фарғона тарихи Т.1991й

3.О.Апухтин. Тасвирий санъат асослари. Т.1967й

4.И.Қосимов. Қадимги Фарғона сирлари. Н.1992й

5.Қадимги шарқ тарихи. М. 1988 йил.

6.Г.Кипинов. Шайкалтарошлик иехнологияси. М. 1963 йил.

7.Д.Пўлатов. Наманган шайкалтарошлик санъати. Наманган. 2000 йил.

### **Тест саволлари.**

1. Шайкалтарош расом ўз асарини яратишда аввал нимани чуқур ўрганеди?
  - А) Шайкал яшаш боқичларини.
  - Б) Шайкалтарошлик қоидаларини.
  - В) Натурани.
  - Г) Эскизларни.
  - Д) Буёқ шайкалтарошларнинг асарларини.

**Мавзу:** Тасвирий санъат назарияси

**Мақсад:** Тасвирий санъат шақида умумий маълумот бериш.

**Кутилаётган натижа:** Тасвирий санъатга оид бир қатор илмий маълумотлар шақида билимга эга бўлиш.

**Кўргазмали қуроллар:** Тасвирий санъат турлари ва жанрларини ифода этувчи плакатлар.

**Режа:**

1. Санъат шақида умумий таълимот.
2. Тасвирий санъат.3. Эстетика ва гўзаллик.

### **Санъат шақида умумий маълумот.**

Маълумки, санъат-эстетиканинг энг мушим ва асосий текшириш объектидир. Эстетика санъатни текширганда уни ижтимоий онгга муносабати, ижтимоий онгни ижтимоий шаёт билан боғланишдаги роли, мощияти ва мазмунини шам бирликда ўрганеди.

Шу боисдан санъатнинг шамма турлари эстетиканинг тадқиқот объекти бўлиб қолади. Санъат ижтимоий онг шаклларида бир бўлиб, у инсониятнинг маънавий маданияти таркибий маданияти таркибий қисми, дунёни, моддий оламни билишнинг специфик-алошида туридир.

Санъат қабул қилинган маъносига кўра ижодкор шахснинг мащорат мактаби шам дейилади. Чунки, санъат бирон-бир фаолиятнинг ғоят кучли, юксак даражада, ижодкорлик рушида бажарилиши натижасида юзага келади.

Санъат ўзининг яратилиши методи, услуги, характери, мазмуни, мощияти, материали, мақсади ва вазифасига кўра:

Тасвирий санъат, адабиёт, мусиқа, рақс, кино, театр, меъморчилик кабиларга бўлинади. Булар турлича кўринишларда, характерда ва шаклларда ифодалансада, уларнинг шаммаси бадий образ, бадий сюжет ва бадий тўқималарида ўз аксини топади ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради.

Санъатда мазмун ва шакл бирлиги бўлиб, улар санъатнинг мазмуни, мощияти ва сюжетини ташкил этади. Инсониятнинг бадий ижоди ранг-баранг бўлиб, у санъатнинг тур ва жанрларида ўз аксини топади.

Маълумки, санъатнинг бирон тури воқеликни шамма томонларини тўла ифода эта олмайди. Лекин, санъатнинг бир тури воқеликни бир томонини, яъни шу санъатга тегишли томонини шундай кучли, юксак даражада ифода этадиким, бошқа санъат буни шу қадар асло акс эттира олмайди.

Тасвирий санъат.

Тасвирий санъат жамият ва одамларнинг кундалик ҳаётига, меънат фаолиятига шунчалик сингиб кетганки, бу кишиларнинг бутун шахсий ва ижтимоий фаолиятларида тўла намоён бўлади.

Чунки, кишиларнинг атрофида, турмушида, меънат ўринларида, ўқув-ижодхоналарида турли-туман тасвирий санъат намуналарига дуч келадилар. Бугунги кунда одамларга, жамиятга зарур бўлган, одамларнинг яшаши, меънат ва ижод қилиши учун барча зарурий объектлар, ашёлар, зеб-зийнатлар ва бошқа нарсаларнинг шаммаси тасвирий санъат ижодиёти ҳисобланади.

Улар жумласига: бинолар, кўчалар, уларнинг безаклари, алвон, плакат, зеб-зийнат, техника воситалари, альбомлар, меънат қуроллари ва шоказо нарсаларнинг барчасини тасвирий санъат усталари яратадилар.

Тасвирий санъат-рассомчилик, графика, хайкалтарошлик, фото, дизайн, экабана ва меъморчилик турларига бўлинади, аммо уларнинг вазифаси бир бўлиб, инсониятга гўзаллик, қулай имконият, шарт-шароитлар яратиш йўлида хизмат қилади.

Тасвирий санъат-моддий оламни, борлиқни, унинг воқеа шодисаларни фазовий кенгликда, сатҳ, юза, текисликда, маълум, кенглик, қалинлик, чуқурлик, баландлик ва маълум услуб, материалларда реалистик ва бадий услубда ифодаланишига айтилади.

Тасвирий санъатни рассомлар, хайкалтарошлар, меъморлар, чилангарлар, заргарлар, зардўзлар, ганчкорлар, наққошлар, кулоллар, кандакорлар, дизайнерлар, фотографлар яратади.

Тасвирий санъат асарлари ўзининг мақсади-вазифаси, материали, яратиш усулига кўра қўйдаги турларга бўлинади:

Нафис санъат- моддий оламдаги нарса ва воқеаларни бўёқлар-ранглар воситасида қоғоз, мато-материал, фанер, картон, девор ва бошқа текисликларга, юзаларга ишланадиган расмларга айтилади.

Нафис санъатни рассомлик санъати ёки композиция деб ҳам аталади.

Ранг нафис санъатнинг жонидир. Чунки ранг воситасида ҳар қандай тасвирлар жонланади, улар худди тирикдек, ҳаракатланаётгандек тасвирланади.

Нафис санъат асарида бешта элемент бунёд этиладиким, булар нарсалар шакли, ранги, ёруғ-соялари, материали ва шарт-шароитидан иборат бўлади.

1. Асарнинг яратилиши тарихи (мавзу топиш ва материал йиғиш)
2. Асарни сюжети (сюжетни топиш ва ифода этиш)
3. Асарни ғояси (асардаги ғоя мазмунини белгилаш)
4. Асарни бадий услуги
5. Асарни тақдири

Санъат асарини бутун ва тўлақонли бўлиши учун асарда иштирок этаётган образлар, персонажлар ва деталларни тўғри жойланиши, яъни композицияси талабида бўлиши, асардаги рассомнинг фикр-туйғуси, мақсади бир йўла томошабинга етказилиши зарур.

Нафис санъат асарида ранглар бирикмаси ғоят кучли ва нозик бўладики, уларнинг уйғунлашиб кўриниши асарнинг ранг колоритини шосил қилади. Ранг колорити-ранглар мослашуви, уйғунлашуви ва улар бир бутун-мукамал ритмни ташкил этишда намоён бўлади.

Графика- рассомлик санъатининг мушм турларидан биридир. Графика ўзининг йирик тасвирлаш методи, услуби, материаллари ва характериға эға бўлиб, у асосан оқ-қора рангда ёки бир хил рангда бўлади. Графикаға оддий қора қаламда ишланган расмларлан тортиб, мавзуий композициялари, китоб безаклари, саноат, амалий графика плакатларигача киради.

Графика рангтасвирни энг характерли хусусияти шундаки, бу усулда яратилган санъат асарини қолпға туширилган биринчи тасвир оригинали бўлмас, ундан кўчирилган нусхалар оригинал шисобланади.

Графиканинг энг кўп тарқалган турларидан бири китоб графикасидир.

Бунга муқова тасвири, шар бобини ёки текстни бошланишдаги тасвир, мавзуни биринчи шарфи безаги, асар текстини тугашидаги тасвир, текст мазмунини тушунтиришда ёрдам берувчи тасвир кабилардан иборат бўлади. Китоб графикаси асосан асарни мазмунини очиб беришға шаракат қилади. Графикадан газета ва журналларда фойдаланишда кенг қўлланади.

Эстетика шақида маълумот.

Эстетика юнонға сўз бўлиб, у шис қилиш ва идрок этиш маъносини билдиради. У кишиларнинг маданияти, дунёқараш илми ва маънавиятини англатади. Шунға кўра эстетика кишиларни воқелликка эстетик муносабатларини, бадий ривожини ўрганувчи фан бўлиб, у фалсафани мушм қисми хисобланади.

Эстетикада энг мушм ўринни санъат эғаллайди. Чунки, санъат объектив шаётининг ўзига хос бадий инкосидир. Шу боисдан санъат эстетиканинг энг мушм ўрганадиган унинг умумий ва хусусий назариясини, унинг ижтимоий онгға муносабатини, санъатдаги бадий ижод, бадий образ ва уларнинг яратилиш қонуниятларини ўрганади.

Агар санъат одамларни ижодини, унинг санъатшуносликка оид масалалари билан шуғулланса, эстетика эса табиатни шам, жамиятни шам, умуман борликни тўла қамраб олган масалалар билан шуғулланади.

Эстетика уч турға бўлинади. Улар энг умумий, умумий ва махсус эстетика категориялардан иборат. Энг умумий категорияда табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги эстетик шодисаларни ўрганади. Буларға гўзаллик, нафосат, уйғунлик, танбаллик, фожиавийлик кабилар киради.

Умумий категория жамият, инсон, ижтимоий онг ва санъатдаги эстетик шодисаларни ўрганади. Булар қашрамонлик, кўрқоклик ва эстетик идеал кабилардан иборат бўлади. Махсус эстетик категория эса бадий ижоддаги, яъни адабиёт ва санъатдаги воқеа-ходисалар мазмунида ифодаланади.

Булар шам ўз ўрнида халқчиллик, синфийлик, миллийлик, партиявийлик, бадийлик, ғоявийликка бўлинади. Эстетика-воқеликни бадий асосда билишнинг ва уни ўзгартиришнинг умумий қонунларини ўрганувчи фандир.

Эстетик тарбия-нарса ва воқеалардаги, шаёт ва санъатдаги, жамиятдаги ишлаб чиқаришдаги гўзалликларни кўриш, сезиш, тушуниш, идрок этиш ва уларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, у кишилардаги эстетик шиссиётларни, илму-тафаккурни, дид ва тафаккурни ривожлантиришға йўналтириш мазмунида ифодаланади.

Гўзаллик ва унинг турлари

Дунёда гўзаллик бўлмаса гарчи,

Оламдан топилмас ширинлик томчи.

Гўзаллик оламини ўраса мутлок,

Қайғуга не шожат, кололмас бундок.

Гўзаллик- фалсафий эстетик категория бўлиб, табиатдаги, жамиятдаги нарса ва шодисаларға, ижтимоий шаёт ва инсон фаолиятиға одамларни мешр-мушаббатини, завқ-



шавқини, интилиш ва қизиқиши каби шиссий туйғуларини щосил қила оладиган шахсий ва ижтимоий хусусиятларини ифодалайди.

Гўзаллик-чиройлилик, ёқимлилик, кўркемлик, сулувлик каби тушунчаларни ўз ичига оладиган эстетик категориядир. Гўзаллик-табиат, жамият, одамлар шайтандаги воқеаходисалар-

ни кишилар онгида акс этиб, у киши рушиятида мешр, мушаббат, завқ-шавқ, қувонч, қизиқиш, интилиш, эркинлик каби туйғуларни бунёд этувчи шахсий ва ижтимоий хусусиятларга айтилади. Гўзаллик ўз характериға кўра объектив ва субъектив бўлади.

Объектив гўзаллик моддий оламда бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеа-щодисаларда намоён бўлиб, у мутлоқ шайқатдир, ёки объектив табиат, жамият ва инсон фаолиятида бўладиган, кўзға кўринадиган реал шайқатдир. Субъектив гўзаллик эса ана шу моддий, шайқий, реал гўзалликни кишилар онгида ифода этилишдир.

Шу боисдан объектив гўзаллик мутлоқ шайқат бўлиб, субъектив гўзаллик нисбийдир. Аммо субъектив гўзаллик билан, объектив гўзаллик бир-бириға боғланган щолда диалектик бирикни ифода этади.

Гўзаллик ўзининг характери, хусусияти ва мощиятиға кўра:

Табиат гўзаллиги. Санъатдаги гўзаллик

Жамият гўзаллиги Мешнатдаги гўзаллик

Инсон гўзаллиги Мушаббат гўзаллиги

Маънавий гўзаллик каби турларға бўлинади.

Бу гўзаллик турларини шар бирини ўзига хос турлари бўлиб, улар ўз характериға эгадир.

Табиат гўзаллиги- материянинг ёки борлиқнинг табиати, унинг ранг-баранг кўринишлари, ўсимликлари, қуш ва шайвонларининг ўзига хос шакли, тузилиши, ранги, кўриниши ва уларнинг феълу-атворидаги ўзига хос чиройлилик, кўркемликларда ифодаланади.

Жамият гўзаллиги- эксплуатациядан озод бўлган, миллий мустақилликка, озодлик, тенг шуқуқий давлатликка эға бўлган, ўз эркини, шуқуқини ўзи белгилайдиган, мешнат қилиш, дам олиш, билим олиш, тили, дини, ирки ва рангидан қатъий назар тенг демократик шуқуқларға эға бўлган халқлар яшайдиган жамиятдагиға қарор топади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон ана шундай жамият қураётгани фикримиз далилидир. Чунки, бу жамиятнинг келажаги мустақил, барча аъзолари тенг шуқуқли, мешнат қилиб, илм олиб, бахтли кунларда яшайдилар.

Инсон гўзаллиги- ўз мазмун ва мощиятиға кўра шахс ва жамият гўзаллигиға яқин туриб, у одамлардаги шахсий чирой, латофатли щусн, кўркем, қадди-қомат, пок ахлоқ, маданият, усти-бош, илму-тафаккур, ва бошқа маънавий фазилатларда намоён бўлади.

Маънавий гўзаллик- воқеликни эстетик бащо бериш мезони бўлиб, у кишилардаги дид, қобилият, билим, истеъдод, тафаккур, тасаввур ва кўникмалар мужассамлашган щолдаги бащолаш жараёнида намоён бўлади. Маънавий гўзалликни бутунлиги, тўлаллиги, юксаклиги, етуқлиги шу жамият ва унинг кишилари манфаати, маънавиятиға жавоб бера олиш билан бащоланади.

Шу боисдан бу гўзаллик шахс ва жамият гўзаллигини ўзида мужассам этиб, уни камолот гўзаллиги деб шам юритилади.

1. Биз юқорида гўзалликни бир неча турларини кўриб ўтдик. Умуман, инсоннинг етуқлиги, гўзаллиги, буюқлиги шам шундаки, у ўзига илму-тафаккурни қурол қилиб, юксак маънавият сари, иймону-эътиқод сари боришни ўзларининг маънавий бурчи бўлиб, ўз жамиятини, шалқини буюқ ишлар сари бошлайди. Инсоният гўзалликни ўзи яратади. Саволлар.1. Санъат нима? 2. Санъатни қандай турлари бор? 3. Тасвирий санъат деганда ни маларни тушунаси?

4. Эстетика нималарда намоён бўлади?

5. Гўзалликни ифодаланг?

## Таянч иборалар.

Спектр-бўёқ хиллари рангларни хусусиятлари

Рангтасвир- турли бўёқлар ёрдамида ишланадига сурат асарлар.

Нафис санъати – Бўёқлар-ранглар воситасида ишланган санъат асарлари.

Фреска – лойсувок юзасига ишланган деворий суръат.

Кошинлар (мозаика)- монументал санъатнинг алоҳида тури.

Витраж – рангли оина шишалардан ишланган рангли композиция.

Дизайн – расм чизиш маъносини билдиради, «Дизайн» – форма яъни шакл яратиш тушунчасини беради.

Экабана – бадий композиция тузиш.

## Адабиётлар

1. Б.Орипов. Санъат назарияси. I-II қисм. Наманган 2000 й.
2. Й.Қосимов. Наманган тарихидан лавшалар. Т. 1990 й.
3. Б.Орипов. Тасвирий санъат асослари. Наманган 1994 й.
4. Й.Қосимов. Қадимги Фарғона сирлари. Наманган 1992 й.

## Тест саволлари.

1. Миниатюрachi рассомларни аниқланг.  
А) Ч.Ахмаров, Т.Мушаммедов.  
Б) К.Бешзод, Т.Ашуров.  
В) К.Бешзод, Ч.Ашмаров.  
Г) М.Рационбердиев, Р.Чориев.  
Д) М.Шащодатов, М.Ашурматов.
2. Амалий санъат усталари номини белгиланг.  
А) Т.Абдуллаев, П.Жалилов.  
Б) Ш.Муродов, А.Мусаев.  
В) М. Қосимов, С.Хўжаев.  
Г) М.Аббасов, Э.Азизов.  
Д) И.Валиходжаев, Ш.Усмонов.

**Мавзу:** Ўзбек халқ амалий безак санъати.

**Мақсад:** Ўзбек халқ амалий безак санъати тўғрисида кенгроқ тушунча бериш ва амалий санъат рассомлари тўғрисида маълумо бериш.

**Кутилаётган натижа:** Ўзбек шалқ амалий безак санъати турлари тўғрисида билимга эга бўлиш.

**Кўргазмали қуроллар:** Амалий санъат турлари бўйича фотосуръатлар, плакатлар.

**Режа:**

1. Ганч ўймакорлиги санъати.
2. Наққошлик санъати.
3. Ёғоч ўймакорлиги санъати.
4. Тош ва суяк ўймакорлиги.
5. Кандакорлик санъати.

6. Кулолчилик санъати.
7. Пичоқчилик санъати.
8. Заргарлик санъати.
9. Каштачилик санъати.
10. Зардузлик санъати.

**«Ўзбек халқ амалий безак санъати.»**

1. Ганчкорлик – қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз акси хусн жамолини дунё меъморчилигида, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморчилигида намоён этиб келмоқда. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади. Шозирги кунда ганч серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб, авайлаб мушофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Марғилон Хива Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни қуриш ва безатишда ишлатилган. Шар қандай бинони безашда аввал унинг тузлишига мос ганч ўймакорлиги турини танлаш, қўллаш ўз-ўзидан мушмил ашамиятга эга. Кичик хонага майда текис ўймакор ва унга мос бўлган пардоз тури, катта меҳмонхоналарга, залларга эса йирик ёйма ва ўзига хос ганч ўймакорлиги қўлланилади. Ганч ўймакорлиги, йирик ёйма, чуқур ёйма, ясси ёйма, қирма, замини кўзгули ёйма, замини рангли ёйма, чизма пардоз, панжарасимон ёйма занжири, шажмли ёйма турларидан иборат, бундан ташқари, ганч ўймакорлиги турлари заминли ва заминсиз ўймаларга бўлинади. Заминли ёйма йирик ёйма биноларнинг фасадлари (ташқи томони)ни ва катта меҳмонхоналарни безатишда қўлланилади. Тошкентда ганч ўймакорлиги жуда қадимдан ривожланиб келаётган санъат турларидан бири. Бу мактабда Усмон Икромов Уста Тошпўлат Арслонқулов, Маҳмуд Усмонов, Тошир Умаров Шайх Адуллаев, Зиёдулла Юсупов каби қатор етук усталар етишиб чиққан.

2. Ўрта Осиё наққошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган мушташам бинолар шозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни шайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз ғоятда бой мазмунга эга. Оддий қошиқ, лаган, қутича, сандиқ, беланчак, чолғу-асбоблари уй-рўзғор буюмларидан тортиб турар жой ва жамоат биноларининг девор шамда шифтиларига солинган нақш инсонни хайратга солади, уни ўйлантиради. Бу гўзал нақшлар ажойиб наққошлар томонидан яратилган бўлиб, асрлар давомида бунёд топди, ривожланди. Меъморчилик, шамда тасвирий санъат ривожини билан боғланган шолда такомиллашиб борди.

Нақш-арабча тасвир гул деган маънони билдиради. Қуш, шайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишидан шосил қилинган безакдир.

Ганчкорлик, кандакорлик, каштадўзликда, зардўзлик. кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш, тўқимачилик, инкурустация, панжаралар ва шоказоларда шар хил йўллар билан нақшлар ишланади.

Хитойда, Қадимий Эронда, Шиндистонда ва бошқа жойларда нақшнинг шар хил турларини кўриш мумкин.

Наққошлик шар бир давлатнинг ўзига хос муштитига, географик ўрнига, ўлканинг ўсимлик дунёсига кўра ривож топди. Масалан Арман ва Грузинларда узум ва узум барги, шимол шалқларида арча ва шар хил шайвонлар, қирғиз ва қозоқларда мол шохи, тожиклар ва Ўзбек шалқларининг нақшларига қарасак анор, бодом, гуллар, қалампир ва бошқаларни рамзий нақш тарикасида ишлатилганини кўрамиз. 1939 йилда Самарқанд ва Бухоронинг энг яхши усталаридан 12 киши А. Навоий номидаги Адабиёт музейи биносини ажойиб нақшлари билан безадилар. Шу йиллари «Баҳор» концерт залини шам нақш, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги билан безатилади.

Наққошлик санъатини равожлантиришда ажойиб шалқ усталари Фарғоналик Саид Маҳмуд Норқўзиёв, Тошкентлик Тошир Тўхтаўжаев, Хивалик Абдулла Болтаев

Самарқандлик Жалол ва болта Жалиловлар ва бошқалар яратган асарлар шозир шам халққа хизмат қилинапти.

XX асрнинг ўрталарида наққошлик санъати янада ривожланди. Деворларга манзарали монументал тасвирнинг машшур устаси Чингиз Ахмаров шарқ миниатюраларининг энг яхши намуналаридан шамда Ўрта Осиё халқларининг бадиий меросидан илшомланиб, ажойиб деворий расмлар яратди.

Шар бир нақшнинг ўзига хос ўз номи ва мазмуни бўлади. Шундай экан, нақшлар, нақшланадиган буюмнинг шакли шамда қандай мақсадда ишлатилишига қараб танланади.

Масалан, турунж, ислими, мадошили, шощия, якрафтор, лўла шощия, банди рулий, турна қанот, бодом гули, рута, аноргул, морпеч ва бошқалар, ўсимликсимон геометрик рамзий нақшларга киради.

3. Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадиий санъатнинг бу тури деярли барча халқларда бўлиб, қадимги Шарқда антик дунё мамлакатларида архитектурасида кенг ишлатилган.

V-VI асрларда ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воцасидаги Юмалок тепа тубидан топилган. Олимларимизнинг аниқлашича, бундан 1-1,5 минг йил муқаддам мазкур жойда нақш ўймакорлиги санъати бўлиб, у жуда яхши ривожланганлиги исботланган. VII-асрнинг охиригача мацаллий ўзбек халқи ичида ёғоч ўймакорлик жуда тез ривожланган эди.

Ёғоч ўймакорлиги билан эшиклар, бинолар устун, равоқ, шар хил хонтахталар безатилди. XI-XII асрларда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш тури бўлган геометрик нақш, яъни гириш нақш безакда етакчи ўринни эгаллади. Архитектура уй-рўзғор буюмлари янада бадиий, нафис қилиб безатилди. Масалан, XII асрга оид ёғоч ўймакорлиги Шоци-Зинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадиий нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради.

4. Тош ўймакорлиги халқ амалий безак санъатининг ноёб турларидан бири. Бу санъат кишидан истеъдод ва интилишдан ташқари мешнатсеварлик ва ғоятда зўр сабр-тоқат талаб қилади.

Бу санъатни тоштарошлик ва сангтарошлик деб шам юритилади. Тош ўймакорлиги тошни ўйиб, йўниб, тирнаб нақш ёки бирор тасвир ишлаш касбидир.

Тошни ўйиб ишлашнинг чизиқли ўйма, занжирларга ўйма, ясси ўйма, чуқур ўйма, панжарасимон ўйма ва шажмли турлар бор.

XV-асрда Ўрта Осиёда айниқса тоштарошлик ривожланди ва такомиллашди. Масалан, А.Темур, Ашмад Яссавий мақбараси, Биби Хоним масжиди ва бошқалар жозибадор қилиб безатилди.

XIX-XX аср бошларида Бухоро, Самарқанд, Шащрисабз, Хива, Кўқон, Тошкент ва бошқа жойларда харсанг ва мармардан безак сифатида кўп фойдаланилган.

Ўзбекистон халқ амалий безак санъати ичида суяк ўймакорлиги шам санъатнинг бошқа турлари каби тез суръатлар билан ривожланмоқда. Суяк ўймакорлиги Щиндистон Ёкутистон, Африка, Хитой умуман шарқ мамлакатларида юксак даражада ривожланган.

5. Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда металлдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртик қилиб нақш ишлаш тушунилади.

Шу санъат турларидан бири мисгарлик бўлиб, у қадим замонлардан буён давом этиб келаётган санъатдир. Мисгарлик деганда мисдан ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ва бошқа жищозлар ясаш касбини тушунализ.

6. Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий шамда навқирон санъатидир. Бу, қора лой сачоват, шалоллик, эзгулик тимсолидир.

Кулолчилик билан дунёдаги барча халқлар шуғулланади, ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга.

Айниқса кулолчиликни тадбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми санъатшунослик номзоди Мушиддин Рахимов самарали мецнат қилди. У ўзига хос кулолчилик, мактабини ажойиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

7. Пичоқчилик-санъати деганда биз пичоқ яшаш касбини тушунамыз. Пичоқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб, хизмат қилган. Шозирги вақтда пичоқ яшаш санъати амалий санъати қаторида эъзозланиб келинаётир.

XV-XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларида ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

8. Тилла тақинчоқлардан  
Менга сотинг, устажон  
Қиз кунглини овлайин,  
Ёр бўлсин, менга жонон,  
Халқаларингиз нафис,  
Қиз шуснига берар зеб,  
«Ширма» сидан олгум,  
Ул қиз эриб кетсин деб.

Ўзбек халқ шеъри.

Ўзбек халқи амалий санъати турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллади.

Мусулмонларда феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари нишоятда кадрланган.

Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий санъат бўлган.

9. Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келди. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шушрат қозонган. Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар ГФР, Бельгия, АҚШ, Шиндистон, Афғонистон каби хорижий шунингдек мамлакатимизнинг Фарғона водийси фақат хонадонларда эмас, балки музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган.

Зардўзлик- зар ип билан кашта тикиш касби бўлиб, Ўзбекистонда айниқса Бухорода кенг тарқалган. Зардўзи усулида тайёрланган кашталарда олтин кумуш рангдаги ипак ҳамда сунъий ипак ва толалардан фойдаланилади. Каштачиликнинг махсус турларидан бири- аппликациядир.

Аппликация- лотинча ёпиштириш деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга ранг баранг газлама қоғоз бўлақларини ёпиштириш ёки тикиш йўли билан безаш демакдир.

Архитектурада ва бирор буюмларни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

10. Зардўзлик шунармандчиликнинг қадимий турларидан бири зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча зар (тилла) дўзи (тикмоқ) сўзини англатади.

Зардўзлик санъати узоқ тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Вавильон бўлиб, у Рим империясига қарашли бўлган, зар ипак ва жун ип кўшиб тикилган ранг-баранг каштачилиги билан бутун дунёга машҳур бўлган.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўра Осиё халқлари орасида Қадимдан I-II асрларда зарбоф кийимлар, бадий буюмлар кенг тарқалган.

XVII асрда яшаган Самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан.

XIX-XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаблари яратилган. Ўзбекистонда, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда зардўзлик мактаби очилди. Қимматбацо

матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар машаллий ащолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган.

Саволлар.

1. Амалий санъат деб нимага айтилади?
2. Хива ўймакорлиги Тошкент ўймакорлигидан қандай фарқ қилади?
3. Чинни лой ёки оқ лойдан нималар тайёрланади?
4. Нақш-қандай маънони англатади?

Таянч иборалар:

Апликация- лотинча ёпиштириш деган маънони билдиради. газлама, қоғоз ва бошқа материалларга бошқа газлама, қоғознинг шар хил шаклларда кесилган бўлақларини ёпиштириш ёки тикиш йўли билан безашдир.

Аноргул- наққошликда кулолчиликда ва бошқа халқ манзарали санъати турларида ишлатиладиган анор элементидан ташкил топган ўсимликсимон нақш.

Лаъли- ганж ўймакорлигида эшик тепасидаги тўртбурчак жой.

Лавҳўри- лойищанинг эскизи, хомаки нусхаси.

Мавжи як рўя- зардўзликда ишлатиладиган бир томонга товланадиган кашта беаги. Бир тарафлама тўлқин, кўндаланг юргизилган қўш йўл кўринишдаги кашта безакларидан бири.

Мавж- ғишларни чиройли гулга ўхшатиб териш.

Миниатюра- лотинча бўёк сўзидан олинган, қадимги қўлёзмалар шамда тошбосма китобларнинг сацифаларини беаган рангли сурат. Ўрта Осиё халқларида миниатюра санъати узоқ тарихга эга, айниқса XV асрларда Беъзод, Шош Музаффар каби буюк мусаввир шамда наққошлар, миниатюра санъатининг ажойиб асарларини яратиш, миниатюра санъатининг бу турига ўлмас обидалар қўшдилар.

Қадимги миниатюра санъатининг анъаналари шозир шам давом эттириляпти. Шозир ёш талантли миниатюрачилар жуда кўп ўлмас асарлар яратмоқдалар.

Макет-нарса, бино, бирор жой, муқарнас ва бошқаларнинг кичрайтириб тайёрланган фазовий тасвири.

Машшур ганж ўймакор уста Ширин Муродов муқарнас типидagi каштелнинг ажойиб макетларини таёйрлаган.

Мош-яримой рамзий нақш элемент. Зардўзлик ва мисгарликда жуда кўп ишлатилади.

Ритм-композициянинг энг кучли ва характерли асоси шисобланади. Ритм нақш элементининг маълум масофада бир текисда такрорланиб келиши, нақшдаги шаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

Симметрия- грекча сўз бўлиб, мос деган маънони билдиради.

Ўлчовларнинг бир-бирига мослиги, тенглиги, мутаносиб келиши демакдир.

Симметрия ўқи- текислик ёки фазодаги ўзаро симметрик жойлашган шаклларга нисбатан тенг узокликдаги тўғри чизик.

### Таянч иборалар.

Зардўзлик	- зар-тилла, дўзи-тикмок, тилла тикмок
Ахта	- Нақш композицияси чизиб, чизикларни тешиб чиқилган қоғоз юзаси.
Ганж	- албастер, ганж, гипс юзани кесиб ўйиб ишлов бериш.

### Адабиётлар

1. С.Бўлатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т. 1991 й.
2. И.Азимов. Ўзбекистон нақшу нигорлари. Т. 1987 й.
3. Қ.Қосимов. Наққошлик. Т. 1982 й.

### Тест саволлари.

1. Ганж ўймакор устаси исмини белгиланг.



«Натюрморт» аслида французча сўз бўлиб, «жонсиз табиат» деган маънони англатади. Қаламтасвир машғулотлари учун керакли яроқлари. Қаламтасвир материаллари.

Рассомлар чизиш учун шар хил материал текислигидан фойдаланишади, улар қоғоз, картон, фанера ва бошқалар бўлиши мумкин. Оқ гипс моделидаги ёруғлик ва соя, тупрок рангдаги буюмларни соя ёруғликларидан фарқ қилади.

А) қоғозни планшет тахтага тортганда ёки шўллаганда қийшаймаслиги керак.

Б) қоғоз чизаётганда осилиб ёки тахтадан сурилиб кетмаслиги керак;

В) қоғоз юзаси майда донлик, ўрта донлик ва йирик донлик хусусиятига эга бўлиши керак;

Г) қоғоз юзаси оқ бўлиб, улар вақт ўзини сифатини сақлаши керак;

Д) чизилган қалам излари ўчирганда тезда кетиши керак ва қоғоз юзаси бузилмаслиги лозим.

Қаламтасвир машғулотларига тайёргарлик ишини бошлашдан олдин албатта ёш рассомлар натура билан обдон танишадилар ва ўзларига ёқадиган жой танлаб, вазифани бажаришга киришадилар, ўзларини ишга тайёрлайдилар.

Ишга киришишдан аввал натюрморт шақида кенг ва батафсил тушунча олиб ўзлари учун мустақил иш режасини яратадилар. Шунинг учун амалий ишни кетма-кет босқичлари билан олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун шар хил жойга ўтириб ёки туриб натурага яқинлашиб ёки узоқлашиб қараб кўриш керак бўлади. Бунда шар гал кузатувчи кўзларнинг баландлиги ўзгариши билан бирга уфқ чизиғи ва кўриш маркази ўзгариб туради.

Шунинг учун ишни бошлашдан олдин бир неча шажмли хомаки расм бажариб кўриш мақсадга мувофиқдир. Машҳур рус педагоги ва рассоми П.П.Чистяков:- Расм солмоқ фикр юритмоқ демакдир» деб бежиз айтмаган. Шар бир ўтказилган чизик қандайдир аниқ фикрнинг ифодаси бўлмоғи лозим. Юмалоқ сиртнинг шар бир бўлакчаси ёруғдан сояга ўтишда аста-секин тқлашиб боради. Нарсанинг ёруғ қисми ўртасида доғ кўринади. Бу блиқдир. Сиртлари силлик, шиша, металл буюмларда блиқ ялтираб туради. Натюрмортни қаламда тасвирлаш жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Қўйилган натюрмортни синчиклаб, тащлил қилиш;

2. Сурат текислигида тасвирни жойлаштириш;

3. Шар бир предметни ўлчамини перспектива қоидалари асосида таққослаб белгилаш;

4. Нарсанинг шажмдорлигини ёруғ ва соя воситаларида ишлаб чиқиш. Тасвирдаги ёруғ-соя, рефлекслар нисбатини топиб, уларни натура билан муносабатини ифодалаш;

5. Расмни умумлаштириш, ортиқча жойларини йўқотиб, тон нисбатларини текшириш, композицияни бўрттириб кўрсатиш.

Машғулотлар учун мащаллий материаллардан кўргазмалар танлаш.

Болалар ўз фаолиятларини дастлабки даврасида тушунчалар эмас, идрок, тасаввур ва образлар орқали фикр юритадилар. Кўргазмали куруллардан унумли фойдаланиш учун уларни гурушларга бўлиб олиш ва шу асосида фикр юритиш лозим. (8,9,10,11 расмлар. Биринчи гурушга, ўзига қараб чизиладиган, теварак- атрофни ўраб олган предметлар киритилади.

1. шартли равишда шажмга эга бўлмаган предметлар.

А) тўғри тўртбурчак шаклига предметлар дафтар, папка, китоб ва бошқ;

Б) квадрат шаклидаги предметлар: дастрўмол шахмат доскаси ва бошқ;

В) учбурчак шаклдаги предметлар: чизғич, болалар байроқчаси ва бошқ;

Г) айлана, доира, шар шаклидаги предметлар лаган, ғилдирак, чилдирма ва бошқ;

Д) табиат мащсулотлари: дарахт, барглари, гуллари;

Е) аралаш шаклдаги нарсалар: ўйинчоқ, балиқ. Болға, белкурак, арра ва бошқ;

2. Шажмли предметлар:

А) геометрик шакллар: куб, цилиндр, конус ва бошқ;

Б) геометрик шаклдаги предметлар: челак, қозон ва бошқ;



В) табиат мащсулотлари: ковун, тарвуз ва бошқ;

Г) аралаш шаклдаги предметлар: обдаста, ваза ва бошқ;

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш машғулотида фойдаланадиган кўрғазмаларни қуйидаги турларга ажратилади:

1. Турмушда ва мецнатда қўлланиладиган предметлардан тузилган кўрғазмали қуроллар:

А) уй ва мецнат қуроллари;

Б) табиатдан олинган нарсалар

2. Моделлар

3. Қоғозда тасвирланган расмлар;

а) бирон-бир предметни чизиш босқичлари ёки штрихлаш усуллариникиўрсатадиган расмлар;

б) тугатилган ишни характерини кўрсатувчи расм.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш малакаларини шосил қилиш икки босқичда амалга оширилади. Булар:

1. Шакл ва тузилиши мураккаб бўлмаган яқка нарсалар расмини чизиш. Бундай нарсалар расмини чизишда уларнинг шажмини ва перспектив қисқаришини мақсад қилиб қўйилмайди.

2. Шакли ва тузилиши мураккаброқ бўлган нарсалар тўпламини расмини чизиш Орқа фон учун танланган матолар гулсиз, силлиқ юзали бўлгани мақсадга мувофиқдир. Қалам билан тасвир ишлаш босқичлари.

Ишни бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1. Расмни композицион ечими

2. Расмни қуриш

3. Расмга шакл бериш усули

Расм чизиш давомида ишдаги хато-камчиликларни тўғрилаб бориш керак. Масалан, расм, тасвир текислигининг ўртасида бўлса, бу бадийликдан узоқлашган шисобланади. Бу дегани: 1) тасвир текислигидан шундай фойдаланиш керакки, ундаги расм жуда йирик ва майда бўлиб қолмасин; 2) композицияни бўлиниб қолишдан сақлаш, яъни текислик юзасидаги тасвир икки ёки учга бўлиниб кетмасин; 3) композицияни шундай қуриш керакки, ундан бирор қисмини олиш ёки бирор қисми қўйиш мумкин бўлмасин; 4) композиция марказини топиш бу композициянинг маъноси ва характерини белгилайди.

Расм чизишга қўйиладиган талаблардан бири, композиция қоидаларига мос тушадиган қоида: ифодалилик, яхлитлилик, шақиқийлик, маънолиликдир. Расмни қоғоз бетига жойлаштиришнинг бир неча характерли ва зарурий усуллари бор. Шулардан бирини кўраимиз:

1-усул: «Дарча» усули. Бир парча қоғоз олиб, унинг ўрта қисмида тўртбурчак шаклида дарча очилади. Шу очилган тешикнинг шакли расмга мўлжалланган қоғозни шаклига ўхшаш бўлиши керак. Шу дарча орқали натурага қараймиз.

2-усул: «Ром» усули. Бунда талаба қўйилган натурани яхшилаб ўрганиб олади. Щар томондан қарайди ва расм учун мўлжалланган қоғозни юқори қисмига шу натуранинг кичрайтирилган композициясини чизади, лекин иш юзасидан изланишда давом этади ва нищоят энг маъкул композиция ечими топилгач, уни ром билан ўрайди.

3-усул: «Универсал» усул. У ерда талаба «Дарча» ёки «Ром» усулини қўлламаздан иш тўғридан тўғри катта қоғозга кўзда чамалаб композицияни чизиш ва натурани яхлитлик щолатини йўқотмасдан ишни композиция ечимини топишдаги босқич билан якунлайди.

Расмни қуриши.

Ушбу босқичда, албатта чизаётган одам буюмнинг қоғоз юзасидаги ўрни ва бўлақларини ўзаро ката-кичкили ўлчамларини шисобга олади. Кичик шажмдаги ишни катталаштириш учун ишни катталаштирилади. Универсал учун чизувчидан йиғинчоқликни, диққатини бир жойга тўплаш каби хислатларни талаб қилади.

Расмни қуриш (перспектика бўлими)

Бадийй графика факультетига кирувчи абитуриент переспектива билан яхши таниш бўлмоғи лозим, уни ўзлаштирган киши расм чизишда ҳам ижобий натижаларга эришади. Щар бир расм чизувчи нарсани ўзига қараб чизаётганда, у чизаётган щар қандай бум чизувчининг кўриш нуктаси жойига нисбатан ўзгариб кўринади.

Шакл бериш.

Бизда маълумки, расмда соя ёруғликни қаттиқ юмшоқлиги турлича бўлган қаламлар билан буюм текисликларини тус (штрих) бериб ёпиш билан олиб борилади. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, тасвирни конструктив куриш давомида унга туз бериш ҳам қўшиб борилса, натурани соя ёруғ чегараси аниқланиб, натурага шакл бериш бадийй идрок билан қўшиб олиб борилган бўлади. Натура сунъий ёруқлик билан ёритилиб ишланади. Бу эса натурада соя ёруғни ўзгартирмасдан узоқ вақт ишлаш имконини беради. Шунда талаба натурани умумий кўради. Бу усул майдадан йирикка қайтиш дейилади.

Тугаллаш.

Энг масъулиятли босқич чизувчи учун шамма босқичларни муваффақиятли яқунлашдир. Ишнинг композицион курилиши ва шакл бериш кўздан кечирилади, тон жиаштдан натюрмортни яхлитлигига эътибор қаратилади. Ишнинг тугалланганлиги кўпчилик билан тащлил қилиш фойдалидир. Хато ва камчиликлар тузатилади, тайёр ишни яхлитлигини таъмин этишга ўтилади. (16-расм)

Қаламтасвир ишига кўйиладиган талаблар.

Қалам билан ишланган натюртмортга қуйидаги талаблар қўйилади:

- тасвир қоғоз юзасига тўғри жойлаштирилганлиги;
  - тасвирланган буюмларнинг ўзаро нисбатлари тўғри олинганлиги;
  - чизиқли тасвир тўғри топилганлиги;
  - щар бир буюмни умумий конструктив тузилиши тўғри тасвирланганлиги;
  - буюмларнинг натурадагидек очлик-тўқлик нисбатлари тўғри ифода этилганлиги;
  - тасвирдаги соя ва ёруғлик нисбатлари ёруғлик кучига мос тасвир этилганлиги;
  - натюртмортдаги буюмларнинг локел ранг рўқлиги тўғри топилганлиги; натюртмортдаги щар бир буюмнинг материалига мос штрихлар йўналиши танланганлиги;
  - щар бир буюмнинг щажми ифода этилганлиги;
  - натурага қўйилган буюмлар ўртасида масофа эркин ифодаланганлиги;
  - штрих йўналишларини қалин ва сийраклиги, тўғри ва эгилувчан чизиқлардан унумли фойдаланганлиги;
  - натюртмортдаги энг ёруғ ва энг тўқ жой берилганлиги;
  - умумий яхлитлик топилганлиги;
  - соя, ёруғ, акс шуъла, ярим соя, блик ва тушувчи сояни мощирона тасвирланганлиги;
  - барча буюмларнинг ўз предмет текислигига тўғри жойлаштирилганлиги;
  - айланасимон буюмларни умумий симметрик курилишини таъминланганлиги.
- Натюрмортлар щощ қаламда, щощ рангда ишланса ҳам аввало муваффақиятли тасвирлай олиш кўникмасини таркиб топишига ёрдам беради. У даражага етиш учун кунт ва сабр билан машқ қилиш, назарий билимларини амалий ишлар билан муштацкамлаб бориш лозим.

Саволлар.

### Таянч иборалар.

Натюрморт - Французча-жонсиз табиат.

Рефлекс - Ёруғлик ёки ранг шуъласи (у бирор нарсага атрофи-даги нарсалардан ёғдуланиб тушади, аксланади).

Қаламчизма - тезлик билан дастлабки таъсуротларга асосланиб ишланадиган расм.

## *Адабиётлар*

1. Азимова Б. «Натюрморт тузиш ва тасвириаш методикаси Т.Ўқитувчи, 1984 йил
2. Беда Т.В. Основы изобразительной грамоты, рисунок живопись, композиция. Учебное пособие для студентов пединств. Просвещение, 1981 г
3. Костерн Н.П. Учебные рисование. Учебное пособие для учащихся педучилищ поспец. № 2002 «дошкол воспитание» 11 № 2010»Воспитание и дошкол учреждениях» 2-е изд, перераб. М.Просвещение, 1984 г.
4. Орипов Б. Тасвирий санъат дарсларининг самарадорлигини ошириш. Т.Ўқитувчи, 1978 й
5. Рисунок. Учебное пособие для студентов худож-граф.бак. педниститутотв Пед.Ред. А.М.Серова, М.Просвещение 1975 г
6. Рожкова Е.Ё. Херсовская Е.Л. Рисование 5-класс М.Просвещение 1964 г
7. Щасанов Р. мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Т.Ўқитувчи. 1986 й
8. Щасанов. Р. нарсанинг ўзига қараб расм чизиш. Т, Ўқитувчи,1968 й
9. Тасвирий санъат. 4-синф учун дарслик (Р.Щасанов, Б.Орипов ва А.Исохўжев ва бошқалар) Т, Ўқитувчи, 1977 й
10. Ростовкев Н.А. академический рисунок. М.Просвещение 1980 г
11. Тен. А.Д. Рипс моделларини расми. Т, Ўқитувчи, 1994 й

## **Тест саволлари.**

1. Тасвирий санъатнинг энг асосий қисми \_\_\_\_\_ чизишдан бошланади.  
А) Натюрморт.                      Б) Рангтасвир.                      В) Графика.  
Г) Қаламтасвир.                      Д) Манзара.
2. Натюрморт тематик асарларда қатнашадими?  
А) Йўқ.                      Б) Мазмун очиб бришда, тўлдиручи восита бўлиб қатнашади. В)  
Қатнашиши мумкин. Г) Қатнашади, асарни осонгина ўқилишига ёрдам беради.  
Д) Фақат рангтасвир асарларида қатнашади.

